

М. ЮНУСХУЖАЕВА, У. МИРИСМОИЛОВА

**ТОШКЕНТ**  
**тарихига оид**  
**ҳужжатлар**

„ФАН“

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси  
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик  
институтига

М.Дурахмаева, У.Мирисмоилова

Тошкент тарихига  
оид  
ҳужжатлар

Тошкент  
Ўзбекистон ССР "Фан" нашриёти  
1983

Брошюрада Тошкентнинг XIX асрдаги социал-<sup>с</sup>иқтисодий ҳаёти, Тошкентдаги маҳалла ва мавзеларнинг ўтмишдаги ва ҳозирги жойлашиш ўрни қиёслаб кўрсатиб берилган.

Рисола кенг китобхоналар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:  
тарих фанлари доктори  
Б.А.Аҳмедов

Тақризчилар  
тарих фанлари кандидатлари:  
Т.А.Файзиёва, Х.Д.Содиқов

Д 0505040000 - 250I рез. 83.  
М355(04) - 83

© Ўзбекистон ССР "Фан" нашриёти, 1983 й.

## КИРИШ

Гузал шаҳримиз Тошкент ўзининг қадимий тарихига эга. Бу тарих бевосита Ўрта Осиё халқлари тарихи билан узвий боғлиқдир. Ўлкамизнинг тарихи ва маданиятида шарқу ғарбга машҳур шаҳарларимиз қаторида Тошкентнинг ўрни бетакрор. Шарқу ғарбни бир-бирига боғловчи қадимий ипак йўлида жойлашган шаҳарлардан бири бўлган Тошкент жаҳоннинг қатор халқлари, мамлакатлари ўртасидаги алоқаларда фаол иштирок қилди, шунингдек, моддий, маънавий маданият намуналари яратишда ўз ҳиссасини қўшди. Археологик қазишмаларда, Ўрта Осиё тарихига оид қўлёзмаларда, ўтган асрларда яшаб ижод этган олимларнинг асарларида Тошкент ўз аксини топди. Шунинг учун ҳам академик В.Б.Бартольд: "Ўтмишнинг жонсиз дарақчилари - хоҳ кундалик рўзгор буюмлари бўлсин, хоҳ расмий ёзма ҳужжатлар бўлсин, хоҳ турли ёзувлар, танга-чақалар бўлсин - булар мазкур мамлакат тарихини чуқур ўрганишда буюк оर्सль ўйнашини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак"<sup>1</sup>, - деб айтганида тамомила ҳақ эди. Тошкент ҳақида ўрта аср тарихнавислари ажойиб маълумотлар ёзиб қолдирганлар<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Бартольд В.Б. Об одном уйгурском документе. т.8. М., 1973, с.118.

<sup>2</sup> Мухаммад Юсуф Мунши. Муқим - ханская история (перевод А.А.Семенова), Ташкент, 1956, с.58,87,100; Мир Мухаммад Амин=и Бухари. Убайдуллонаме (перевод А.А.Семенова). Ташкент, 1957, с.55,163; Заҳириддин Мухаммад Бобир. Бобирнома. Ташкент, 1958; Абу Рейхан Беруни. Избранные произведения, т.11, Индия, Ташкент, 1963, с.271 (текст и прим. 10); Махмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони, I-том. Ташкент, 1960, 414-бет; Восифий, (Бадоеъ ул-вақое (XV аср), инв.2129. Мухаммад Солих. Тарихи жадидаи Тошканд, Ўз ФАШИ, қўлёзма № 1116. Бенайи "Шайбонинаме", рук. ИВ АН УзССР № 844; Фазлаллах ибн Рузбихан. Михманнамеи Бухара. М., 1976; Махмуд ибн Валя. Море тайн относительно доблестей благородных (география). Вступления, перевод, примечания, указатели Б.А. Ахмедова. Ташкент, 1977, с.56,76,88.

Маълумки, Улуг Октябрь социалистик революциясидан ялгари яшаган рус авторлари ўзларининг қатор асарларида Тошкент тарихининг баъзи томонларини ёритганлар. Уларнинг айрим асарлари Тошкент тарихига оид бўлган. Жумладан, М.А. Терентьевнинг 3 томлик асари<sup>3</sup>, А.П.Субботиннинг XIX аср ўрталари ва II ярмида Тошкентнинг савдо алоқаларига оид илмий асари<sup>4</sup> муҳим аҳамиятга эга. А.П.Демидов<sup>5</sup>, Б.Н.Павлов<sup>6</sup>, П.И. Пашино<sup>7</sup>, А.И.Добросмыслов<sup>8</sup>, П.А.Маев<sup>9</sup>, Хорошхин<sup>10</sup>, И.И. Гейер<sup>11</sup> каби олимларнинг асарлари ва мақолаларида Тошкентнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг баъзи томонлари ёритилган.

XIX асрда Тошкентда яшаган шарқшунос олим, тарихнавис Муҳаммад Солиҳ Тошкент тарихига оид асар ёзган<sup>12</sup>. Мазкур асарда Тошкентнинг географияси, топонимикаси, маҳалла, мавзе, масжид, бозор, мадрасалари ҳамда 12 дарвозаси тўғрисида қизиқарли маълумотлар берилган.

Совет тарихчиларининг Тошкент тарихига бағишланган асарлари орасида В.В.Бартольд<sup>13</sup>, М.Е.Массон<sup>14</sup>, М.Ғ. Ваҳо-

- <sup>3</sup> Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. С картами и шкалами, т.1-3. СПб., 1906.
- <sup>4</sup> Субботин А.П. Россия и Англия на Среднеазиатских рынках. Историко-экономический этюд. СПб., 1885.
- <sup>5</sup> Демидов А.П. Экономический очерк хлопководства. М., 1926.
- <sup>6</sup> Павлов Н. История Туркестана, Ташкент, 1910.
- <sup>7</sup> Пашино П.И. Туркестанский край в 1886 году, СПб., 1868.
- <sup>8</sup> Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк, Ташкент, 1912.
- <sup>9</sup> Маев Н.А. Азиатский Ташкент. СПб., 1876; Он же. Русский Ташкент, 1894.
- <sup>10</sup> Хорошхин. Очерк Ташкента. - Русский инвалид. 1867, № 113.
- <sup>11</sup> Гейер И.И. Кустарные промыслы в Ташкенте. - Русский Туркестан. 1902, № 192.
- <sup>12</sup> Муҳаммад Солиҳ Қорахўжа ўғли Тошкандий. Тарих-и ҳадида-и Тошканд, ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. инв.5732.
- <sup>13</sup> Бартольд В.В. Соч. т.3, с.219; Там же, т.1. с.228.
- <sup>14</sup> Массон М.Е. Прошлое Ташкента. - Изв. АН ЎзССР, 1954, № 2.

бов<sup>15</sup>, Ф.Озодаев<sup>16</sup>, В.А.Шишкиннинг<sup>17</sup> фактларга бой асарлари диққатга сазовордир. Тошкент тарихига оид айрим маълумотлар "Ўзбекистон ССР тарихи" китобида ҳам келтирилган<sup>18</sup>.

Рус тарихчилари, сайёхлари, шунингдек, А.А.Диваев, В.А. Каллаур, Н.П.Остроумовлар<sup>19</sup> Тошкентга оид хужжатлар билан қизиққанлар ва ўзлари ҳам асарлар чоп этганлар.

Тошкент тарихига оид хужжатлар Ўзбекистон ССР Марказий Давлат архивининг турли фондларида сақланмоқда<sup>20</sup>. Хужжатлар Тошкентнинг микротопонимикасини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Маълумки, XIX асрда Тошкент маҳалла ва мавзелари ҳақида бир неча мақолалар чоп этилган. Улардан Н.А.Маевнинг

<sup>15</sup> Вахабов М.Г. Ташкент в период трёх революций, Ташкент, 1957.

<sup>16</sup> Озодаев Ф. Тошкент тарихидан очерклар, Тошкент, 1960.

<sup>17</sup> Шишкин В.А. Горсида Ўзбекистана. Ташкент, 1943.

<sup>18</sup> Ўзбекистон ССР тарихи, I-том, Тошкент, 1967.

<sup>19</sup> Диваев А.А. Документы на освобождение невольников (перевод с персидского). Сб. материалов для статистики Сыр-Даринской области. т.2, 1892, с.32-33. Каллаур В.А. Грамоты (ярлики) и приказы кокандских ханов и Ташкентского Хакима, известному Кыдралы Нуракову); Остроумов Н.П. Последние по времени Шейхуль-Ислам и Кази-Калян г.Ташкента, братья Айходжа. ПТКЛА XX, 1915, с.11-14;

Лунин Б.В. История изучения прошлого и настоящего города Ташкента. - Общественные науки в Узбекистане, 1981, № 12, с.5; Мукминова Р.Г. Из истории позднесредневекового Ташкента. Общественные науки в Узбекистане, 1981, № 11, с.30-44; Уша автор. "Ёдномада тикланса тарих", "Фан ва турмуш" журнали, 8-сон 1982 йил.

<sup>20</sup> Ўзбекистон ССР Марказий Давлат архиви. 363-фонд-Бешёгоч даҳа қози маҳкамаси хужжатлари, 364-фонд-Кукча даҳа қози маҳкамаси хужжатлари, 365-фонд-Себзор даҳа қози маҳкамаси хужжатлари, 366-фонд-Шайхонтохур даҳа қози маҳкамаси хужжатлари, 164-фонд-Тошкент қози қалони маҳкамаси хужжатлари, 362-фонд-Қозилар съезди хужжатлари.

"Азиатский Ташкент"<sup>21</sup>, Н.С. Ликшиннинг "Полжизни в Туркестане"<sup>22</sup>, Н.Г. Маллицкийнинг "Ташкент"<sup>23</sup> ва "Ташкентские махалля и мауза"<sup>24</sup>, В.А. Шижкиннинг "О названиях Ташкентских махалля"<sup>25</sup> номли мақола ва асарлари шулар жумласидандир. Булар орасида Н.Г. Маллицкийнинг "Тошкент махаллалари" ҳақидаги мақоласи алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бу мақола шахсан Н.Г. Маллицкий томонидан тўпланган материаллар ва даҳа ҳокимлари ҳамда махалла мингбошиларидан олинган ахборот асосида тузилган. Мазкур мақолада 4 даҳадаги махаллаларнинг ўтмишидаги номлари тўлиқ берилган.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан кейин Тошкент шаҳри тарихида янги саҳифа очилди.

СССР халқларининг дўстлиги 1966 йилдаги zilзила натижасида вайрон бўлган эски уйлар ўрнида янги мухташам бинолар барпо этишда яққол намсён бўлди. Ҳозирги кунда Тошкент Шарқнинг энг йирик иқтисодий, сиёсий, маданий ва илмий марказларидан бирига айланди, шаҳар қиёфаси мислсиз даражада ўзгарди. Янги, замонавий мухташам бинолар, маъмурий ва маданий муассасалар, гузал хиёбонлар, янги махаллалар вужудга келди.

х х

х

Ўрта Осиёнинг энг қадимий ва йирик шаҳарларидан бири бўлган Тошкент ўзининг 2000 йиллик тарихида жуда кўп жангу жадалларни бошидан кечирган. Ички ўзаро феодал урушлари ва ташқаридан қилинган истилолар натижасида шаҳар вайрон бўлган. Тошкентнинг географик ўрни ва савдо-сотик соҳасидаги мавқеи хорижий ҳукмдорларни қизиқтириб келган. Бинобарин

<sup>21</sup> Маев Н.А. Азиатский Ташкент. В сб. "Материалы для статистики Туркестанского края". Вып. IV, 1876.

<sup>22</sup> Ликшин Н.С. Полжизни в Туркестане, 1890.

<sup>23</sup> Маллицкий Н.Г. Ташкент. "Известия Ташкентской городской думы", 1916, № I.

<sup>24</sup> Он же. Ташкентские махалля и мауза. Из работ восточного факультета Ср. Азиатского Гос. Университета, Ташкент, 1927.

<sup>25</sup> Шижкин В.А. О названиях Ташкентских махалля. - Бюллетень Ташкентского Новгородского исполкома, 1925, № I.

Тошкент кўлдан-кўлга тез-тез ўтиб турган.

Тошкент даҳалари<sup>26</sup> ҳақида гапирганда шуни алоҳида айтиш керакки, Тошкентнинг даҳаларга бўлиниш сабаби юқорида айтиб ўтилган ўзаро ички феодал низолардан келиб чиққан маъмурий бўлиниш эди.

Тарихий манбаларда берилган маълумотларга кўра, ХУШ асрнинг ўрталарига келиб Тошкент Себзор, Кўкча, Бешёғоч ва Шайхонтохур даҳаларига бўлинган. Мазкур даҳаларнинг ҳар бирида ўзининг мустақил ҳокими бўлган. Бинобарин, Тошкент тарихида бу даврни тўрт ҳокимлик даври деб аталади. Ҳар бир даҳанинг чегараси бўлган. Чегараланиш ассан шаҳар ўртасидаги бозордан бошланган. Шаҳар бозори эса барча даҳалар учун умумий бўлган. Бинобарин, ҳар бир даҳа шаҳар ичидаги чегарага тааллуқли гузар ва маҳаллалардан ташқари, шаҳар ташқарисидаги мавзеларни ҳам ўз ичига олган.

Тошкент тарихига доир манбаларга кўра, ХУШ асрнинг ўрталарида Тошкентда 154 та маҳалла ва гузар бўлган. 40 га яқин маҳалла ва гузар тожикча ном билан аталган. Масалан, Пуштихаммом, Падаркуш, Мангоҳ, Дегрез, Говкуш ва ҳоказо. Унлаб маҳалла ва гузарларга шахс номлари ҳамда маъносини ифодалаш қийин бўлган номлар берилган. Масалан: Бадирубой, Зангиота, Сақичмон, Чалмак ва ҳоказо. Юзга яқин маҳалла ва гузарга Қорёғди, Темирчи, Маркўча, Табибкўча, Тақачи каби номлар берилган.

Айни вақтда, шаҳар ташқарисида 175 га яқин мавзе бўлган. Дархон, Ҳасанбой, Чимбой, Шофайзикулсок, Қурбақабод, Миробод, Мингўрик, Ялонғоч ва Дамариқлар шулар жумласидандир. Мазкур мавзеларда шаҳар халқининг боғлари, экин майдонлари бўлган. Бинобарин, мавзелар ҳам шаҳар даҳалари ўртасида табиий равишда тақсимланган. Масалан, Шайхонтохур даҳасига 37 маҳалла ва 31 мавзе, Себзор даҳасига 38 маҳалла ва 43 мавзе, Кўкча даҳасига 37 маҳалла ва 31 мавзе, Бешёғоч даҳасига 42 маҳалла ва 29 мавзе кирган.

Тошкентнинг шаҳар маҳалла ва гузарлари сони ҳақида шуни айтиш лозимки, 1865 йилда Тошкент Россия импе-

<sup>26</sup> Даҳа-маъмурий территориял бўлиниш.



рияси составига кўшилгандан кейин шаҳар девор ва дар-  
возалари ўзининг аввалги аҳамиятини йўқота берган. Ва еч-  
ҳоят шаҳар халқи шаҳар ташқарисига чиқиб, ўзига иморат қу-  
риб жойлаша бошлаган. Натижада шаҳар кенгайиб, янги маҳал-  
ла ва гузарлар вужудга кела бошлаган. XIX асрнинг охирига  
келиб, Тошкентдаги маҳалла ва гузарлар сони 200 дан ош-  
ган<sup>27</sup>.

Шайхонтохур даҳасидаги маҳаллалар: Симасжид, Олмазор,  
Оркакўча, Баландмасжид, Гсвкүш, Дархон, Дегрез, Жангоҳ,  
Ўаркўча, Қозикўча, Мерганча, Падаркүш, Хадра, Шайхонтохур,  
Шўртепа. Мавзелар: Бўзарик, Оқкўрган, Дархон арик, Қўшчи,  
Мингўрик, Мирсбод, Сарипул, Шўртепа, Ялонгоч, Шивли ва хо-  
казо.

Себзор даҳасидаги маҳаллалар: Охунгузар, Эскижўва,  
Қозикўча, Қорасарсий, Қоратут, Қумлок, Лабзак, Парчабоф,  
Пуштихаммом, Тарисвобши, Тахтапул, Тешикқосқоқ, Чувалачи.  
Мавзелар: Алвастикўприк, Стчопар, Гуручарик, Закоатхона,  
Юнусбод, Ёварик ва ҳоказо.

Бешғоч даҳасидаги маҳаллалар: Арпаоя, Гуруч бозор,  
Эшонгузар, Қоратош, Кўкмасжид, Уқчи, Чақар, Ғишт кўприк.  
Мавзелар: Зах, Зангиота, Қозировот, Қатортол, Рақат, Ўрик-  
зор, Чилонзор, Чўпон ота.

Шаҳарнинг ғарбий қисмига жойлашган Кўкча даҳаси ғарб  
томондан Назарбеккача (Назарбек қисман шу даҳа составига  
кирган), жануби-ғарбий томондан Самарқанд дарбозасигача,  
шимсли-шарқдан Тахтапул-Лабзаккача бўлган майдонни ўз ичи-  
га олган .

28

Кўкча даҳаси маҳаллалари: Обиназир, Айриқаш, Оқлон,  
Оқ тепа, Бёдабозор, Гузарбоши, Дамақбоши, Ишқобод, Қозоқ-  
бозор, Қозикўча, Қаллахона, Қорақийёқ, Кесаккўрган, Қилбел-  
бок, Қўштут, Кўкча, Кўнчилик, Лангар, Мисгарлик, Подахона,  
Пичоқчилик, Сақичмон, Сархумдон, Торкўча, Тўқливаллоб, Ўз-  
ганд, Ўрикзор, Ҳалимқўфт, Хонқоҳ, Хотин масжид, Хофиз

<sup>27</sup> Маллицкий Н.Г., Ташкентские махалля и мауза, Ташкент,  
1927, с.7-16.

<sup>28</sup> Қадимги Кўкча даҳасининг майдони ҳозир тахминан "Октя-  
брь" ва "Акмал Икромов" районлари территориясида.

Куйки, Хийбон, Чигатой чақар, Чақар, Чукур қишлоқ, Сарнишин тепа, Шайх Зайниддин бобо. Мавзелар: Оқтапа, Ачаобод (Ачавад), Беговот, Бешқайрағоч, Нодиржонқулоқ, Тахтақўприк, Туя тортар, Тошлиқ тепа (Чеш тепа), Учтепа, Хотинқўприк, Чимбой, Шоқайзиқулоқ ва ҳоказо.

Юқорида қайд қилинганидек, XIX асрнинг ўрталарида Тошкент Осиёнинг бошқа шаҳарлари сингари феодал шаҳар эди. Аҳолисининг аксарият қисми ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва деҳқончилик билан шуғулланган. Ҳунармандлар асосан маҳаллалар бўйича ихтиссслашган. Масалан, пичоқчилик, дегрезлик, мискарлик сингари маҳалла номлари шу зайдда вуҷудга келган. 1868 йилги маълумотларга кўра, Схунгузар, Парчабўё ва Жангоҳ маҳаллаларининг аҳолиси савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик билан машғул бўлган. Тахтапул, Себзор, Лабзак, Қорасарсй аҳолиси асосан деҳқончилик билан шуғулланган. Шайхонтоҳур даҳасида мискарлар, эгарчилар, тикувчилар, кувозкашлар; Себзор даҳасида бўёқчилар, тикувчилар, этикдўзлар; Бешёгсч атрофларида эса гишт кувчилар яшаган. Шаҳар аҳолисининг кўпчилиги қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик, полизчилик, галлакسرлик билан шуғулланган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкентнинг Россия империяси составига қўшилиши шаҳарнинг ривожланишида янги босқични бошлаб берди. Оренбург – Закаспий темир йўли қурилаши натижасида Тошкентнинг иқтисодий ва маънавий ҳаётида сезиларли ўзгаришлар кз берди.

XX аср бошларига келиб, ўлкада пахтачилик ривожланиши натижасида бир қатор енгил саноат корхоналари қурилди. Бу ўз навбатида товар-дул муносабатларини ривожлантирди ва бунга қўшимча ўларсқ аҳоли сонининг ортиши натижасида Тошкент атрофида экин майдонлари кенгайди, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари билан савдо қилиш ўсди. Архив материалларига кўра, шаҳар ва унинг атрофида айрим маҳалла ёки даҳа аҳолисига тегишли жамоа ерлари Чала, Қонқус, Қорасув бўлган.

Ҳозирги кунда шаҳримиз жамоли йил сайин эмас, балки кун сайин ўзгариб, гўзаллашиб бормоқда. Қадимги пастқам, тор, эгри-бугри "жан" кўчалар ўрнида замонавий кент проспектлар, плансиз қурилган кулбалар ўрнида замонавий, ос-

Монўпар бинолар қад кўтармоқда.

Айниқса, 1966 йил апрель ойида Тошкентда содир бўлган кучли zilзила натижасида шаҳарнинг эски шаҳар қисмида жойлашган кўпгина уй-жойлар бузилиб, яшаш учун яроқсиз ҳолга келиб қолди. Партия ва ҳукуратимизнинг сталарча гам-хўрлиги туфайли мазкур уйлар, маҳаллалар ўрнида янги, қулай, шинам уй-жойлар, аҳоли тураржой массивлари бунёд этилди. Натижада уларнинг эски номлари йўқолиб, янги номлар билан атала бошланди. Шу муносабат билан қўлёзма ва ҳужжатларда қайд қилинган Лангар кўчаси ва маҳалласи эндиликда Марказ-27, Лабзак кўчаси, Шарқуча - Марказ-13, Марказ-15, Катта ҳовуз, Айрилиш маҳаллалари эса Марказ-26, Обиназир - Марказ 27 номи билан аталади. Тошкентнинг чекка мавзеи ҳисобланган Назарбек ва Бешқайрағочда обод, қўркам тураржой массивлари бунёд этилган. Аммо тарихий жойлар номи борган сари унутиб юборилмоқда. Бу ҳақда ҳатто газеталарда мақолалар ҳам чоп этилди<sup>29</sup>. Ҳақиқатан, пойтахтимизнинг тарихи учун муҳим бўлган Қашқар маҳалла, Оқлон, Чорсу, Лабзак, Ўрда, Хадра, Кўкча, Самарқанд дарбоза, Эскижўва, Қўштут, Дархон, Чақар, Бешғоч каби номлар сақланмоғи керак. Бу борада архив ва қўлёзма фондларида сақланиб келаётган ҳужжатларнинг аҳамияти катта. Чунончи, Шарқшунослик институти фондида сақланаётган инв.6361 номерли ҳужжатлар тўплами Тошкент шаҳар Кўкча даҳа қозихонаси маҳкамасида тузилган ва "Тошкент шаҳрининг Кўкча даҳасининг қозиси мулло Боймирзо ибн Мирзо Оғаликнинг васиқаларини қайд қилувчи дафтар" деб аталган. Бу тўплам 497 ҳужжатни ўз ичига олган, араб графикаси билан ўзбек тилида, 30 ҳужжат форс тилида ёзилган. Институт томонидан 1945 йилда сотиб олинган ҳужжатлар 1887 йилга оид. Шунингдек, Марказий Давлат архивида сақланаётган фонд 365 оп. I. дело 2 даги Себзор даҳасига оид ҳужжатларда қайд қилинган маҳалла ва мавзелар номи шаҳар микротопономикасини ўрганиш борасида қимматли материал ҳисобланади. Бу тўпламдаги

<sup>29</sup> "Исми жисмига монанд бўлсин", "Тошкент оқшоми" газетаси, 18 май 1983 йил.

ҳужжатларда шаҳарнинг бошқа маҳаллалари. . . номлари ҳам қўшлаб учрайди. Чунки шу даҳада яшовчи кишилар бошқа маҳаллалардан ер ва уй-жой . . . сотиб олганлар. Бу ҳужжатлар Тошкент шаҳрининг ўша даврдаги иқтисодий, сиёсий ҳаётининг турли томонларини кўрсатувчи манба бўлиб, байи бот<sup>30</sup> - олди-сотти васиқалари, байи жойиз<sup>31</sup> - гаров васиқалари, иқрор-хатлар<sup>32</sup>, ибро-хати<sup>33</sup>, мерсга оид ҳужжатлар, ривоятлар ва ҳоказо. Ҳужжатларда Тошкент аҳолиси, хусусан Қўкча даҳасида яшаган аҳолининг аҳволи, ҳаёти, касбухонари ҳақида маълумотлар бор. Айниқса, социал масалага оид ҳужжатлар диққатимизни жалб этади. Чунки улар орқали биз, бир томондан, ер ва уй-жойни айрим бой, пулдор амалдорлар қўлида йиғилиб беришини, жамланишининг шохиди бўлсак, иккинчи томондан, оддий аҳолининг турмуши оғир бўлиб, қарз эвазига ер ва уйини сотиб, бошпанасиз қолганини кўрамиз. Масалан, тошкентлик бойлардан Салимбой ибн Раҳимбой Калдахона маҳалласида яшаган ва бошқа ердан қўшлаб уй-жойлар сотиб олган.

Тошкент тарихини ўрганишда Ўзбекистон ССР Марказий Давлат архивининг 164 фондида сақланаётган "Тошкент қози калони" номи фонд ҳамда "Себзор даҳасининг қозиси Муҳаммад Муҳиддинхўжа эшон ибн Ҳакимхўжа эшон қози калонга тегишли (фонд № 365) ҳужжатлари муҳим аҳамиятга эга. Муҳаммад Муҳиддинхўжа қози архив материалларининг шохидлик беришича, ўз даврининг илғор кишиларидан ҳисобланган. Бу ҳол ўз навбатида ушбу даҳа қозихона маҳнамаси ҳужжатларининг тартибли бўлишини таъминлаган<sup>34</sup>.

<sup>30</sup> Байи бот - олди-сотти ҳужжатлари. Бундай байи узил-кесил ва қатъий ҳисобланади.

<sup>31</sup> Аслида гаров васиқаси бўлиб, тўлиқ бўлмаган олди-сотти маъносидаги ҳужжатдир.

<sup>32</sup> Иқрор хати - тан олиш, иқрор қилиш.

<sup>33</sup> Ибро-даъводан воз кечиш, яъни келишиш, турли келишмовчиликни ўзаро келишиш йўли билан бартараф қилиш маъносида.

<sup>34</sup> Остроумов Н.П. Сарты. Этнографический материал. Вып I. Ташкент, 1890, с.73; Туркестанские ведомости, 1902, № 43.

Мазкур 164 фонд ЗСО дан ортиқ ҳужжатни ўз ичига олган. Ҳужжатлар ўзбек ва форс тилларида араб графикаси билан ёзилган. Бу фондда турли амалларга – садр, аълам, қозилик лавозимларига тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатлар, Туркистон генерал-губернаторининг Тошкент қозилари билан ёзишмалари, Муҳаммад Муҳиддинхўжа қозига тегишли ҳужжатлар мавжуд. Булар срасида қозининг олди-сотди масалаларига оид, унинг ўз ерларини деҳқонларга ижарага берганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар бор.

Мазкур ҳужжатларнинг далолат беришича, қози Муҳиддин ўз хусусий ер-мулкни турли йўллар билан олиб-сотиш, уларни деҳқонларга ижарага бериш билан кенгайтирган. Ўз мулкни кенгайтириш мақсадида қози ҳатто вақф ерларини сотиб олишдан ҳам қайтмаган. Чунончи, 1291 (1873-74) йилда 600 тиллага вақф ерларини сотиб олган<sup>35</sup>. Ҳужжатлар маълумоти-га кўра, қози Муҳиддиннинг Тошкентнинг турли маҳалла ва мавзеларида, чунончи Тиконли мазор (Тошкентдан ташқаридаги мавзе), Қизил кўрғон мавзеларида ҳамда Орқақўча, Қозикўча, Сархумдон каби маҳаллаларда катта-катта ерлари, ҳовли-жойлари бўлган.

Ўқорида таъкидлаб ўтганимиздек, у ўзининг ерларини корандаларга ижарага берган. Чунончи, Тиконли мазор мавзеидаги ер майдонини 32 корандага йилига 10 ботмен бугдой ва 5 ботмон тариқ эвазига ижарага берган<sup>36</sup>.

Ёки Гойибой Акбархўжа ўғли шохидлигига кўра, у қози Муҳиддиннинг Қизилкўрғон мавзеидаги бир бўлак ерини 25 сўм эвазига 7 ой муддат билан ижарага олган<sup>37</sup>. Шу билан бирга, ҳужжатларда учраган маҳалла, жойларнинг номлари чуқурроқ текширилса, уларнинг дугавий маъноси нақадар бой эканлиги кўзга ташланади ва булар тилшунослар учун қизиқарли материал ҳисобланади. Масалан, Чақар, Чорсу, Хадра, Дархон, Сағбон ва ҳоказо.

Чорсу, Тошкентнинг Чорсуси ҳаммага маълум. Бу маънонинг номи форс-тожик тилига хос бўлиб, чор-тўрт, су-томо,

<sup>35</sup> Ўзбекистон Марказий Давлат архиви. фонд 164, оп. I, дело

<sup>36</sup> <sup>II</sup> ЎзССР Марказий Давлат архиви. ф. 164, оп. I, д. 8, л. 2.

<sup>37</sup> Там же, ф. 164, оп. I, д. 8, л. 8.

Яъни тўрт томон деган маънони билдиради. Бу тушунча шартли бўлиб, тўртта кўчанинг кесишган жойигина эмас, балки иккита, учта, бешта, олтита, еттита кўчанинг кесишган жойи ҳам чорсу дейилган. Одатда, чорсулар катта бозорларнинг бошланиш жойида бўлган. Бундай жойларда савдо расталари, косибларнинг дўконлари жойлашган. Ўтмишда Ўрта Осиёнинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Кўқон, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги чорсулар йирик бозорларнинг бошланиш жойи, улкан савдо марказлари ҳисобланган.

Хадра сўзининг маъноси хусусида ҳам турли мулоҳазалар мавжуд. Аслида Хадра, яъни хад – чет, чегара, тугаган жой, роҳ – йўл, кўчани англатган бўлиб, йўл, кўчанинг тугаган ёки бошланган жойи маъносини билдиради. Бу фикрни атоқли археолог Н. Гуломов ҳам қувватлаган. Географ олим Х. Ҳасанов "хадра" сўзининг маъносини хон ўрдаси чегарасидаги йўл, хад-ди роҳ (йўл чегараси) сўзларидан олинган деб тушунтиради.

Шундай қилиб, ушбу фонддаги ҳужжатлар ўша даврнинг социал-иқтисодий масалаларига ва Тошкентнинг микроэкономикасига оид бой материал ҳисобланади. Бундан ташқари, бу ҳужжатларда учраган материаллар шахримизнинг ўтмишдаги тарихий микроэкономикасини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Тошкент шаҳрига оид ҳужжатларда учрайдиган жой ва маҳалла номлари кўпинча мазкур маҳаллаларда истиқомат қилувчи аҳолининг касб-ҳунари билан боғлиқ бўлган. Чунинчи, Дегрез, Уқчи, Кўнчи, Товкуш, Мисгарон каби маҳаллалар. Шунингдек, Кўкча даҳасига оид ҳужжатлардаги Кўнчи маҳалласида яшовчи аҳолининг кўпчилиги кўнчилик билан машғул бўлган.

Ўзбекистон ССР Марказий Давлат архивининг бошқа фондларидаги материаллар ҳам фикримизни тасдиқлайди, яъни 1872 йилда Кўкча даҳасидаги 4 маҳаллада яшовчи 462 уй эгаси рўйхатга олинган. Шулар ичида 102 киши этикдўз, 7 киши кўнфурш бўлган. Ҳужжатларда Тошкентнинг кўплаб маҳалла ва мавзёларининг номлари ҳам учрайди.

Кўкча ва Себзор даҳаларига оид ҳужжат ва манбаларда сақлачиб қолган ва ҳозирги кунда бошқа ном билан аталадиган баъзи маҳалла ва мавзёларнинг

номларини қуйида келтирамиз. Сағбон маҳалласи (хуж.9)<sup>38</sup> қадимда Тошкентдаги энг обод ва аҳоли зич жойлашган катта маҳаллалардан бири бўлган. Бу маҳалла шу кунларда ҳам мавжуд. Мазкур маҳаллада Шастри исми 24-мактаб жойлашган. Ўзганд маҳалласи (хуж.12) ҳозирги Пахта кўчасининг юқорисида, I-ўрта мактаб атрофида бўлган. Дамақбоши (хуж.14) аслида Гарновбоши маҳалласи бўлиб, ҳозир унинг кўп қисми бузилиб кетган, унга етмасдан "Себзор" тураржой массиви барпо этилганда. Қозикўча маҳалласи (хуж.15) лабзак билан Собир Раҳимов кўчаси ораллигида ва ҳозирги Хуршид кўчаси территориясида жойлашган. Чигатой чақар (хуж.18) маҳалласи "Чигатой" қабристонига етмасдан сал тепароқда жойлашган. Ҳозир бу Форсбий кўчаси территориясида. Тошкентда чақар номи билан аталувчи бир неча маҳаллалар бўлган. Масалан, ҳозирги Халқлар дўстлиги майдонининг бошланишида жойлашган маҳалла ҳам яқин кунларгача Чақар номи билан аталган. Чигатой (хуж.27) маҳалласи худди Сағбон маҳалласидек, шаҳарнинг обод ва гавжум маҳаллаларидан бири бўлган. Шаҳарнинг Чигатой дарвозаси қадимда ана шу маҳаллага яқин ерда жойлашган. Дангар (хуж.32) маҳалласи ўша пайтда Кўкча даҳасининг аҳоли зич жойлашган, обод маҳаллаларидан бири бўлган. Ҳозир бу ерда Марказ-26 ва Марказ-27 тураржой массивлари барпо қилинган. Кўндалақўра мавзеи (хуж.32) Кўкча даҳасига қарашли бўлиб, ҳозир унинг ўрнида "Сентябрь" ва "Назарбек" тураржой массивлари қад кўтарган. Евариқ (Ебуариғи) (хуж.34) мавзеи шаҳар ташқарисида жойлашган ва Себзор даҳасига<sup>39</sup> кирган. Ҳозир унинг ўрнида "Октябрь" тураржой массиви жойлашган. Ҳовузлик маҳалласи (хуж.35) ҳозирги Марказ-13 территориясида бўлиб, бузилиб кетган IC шаҳар касалхонасига яқин ерда жойлашган. Туручариқ мавзеи (хуж.38) Себзор даҳасига қарашли мавзе. Қорақамиш (Сағбон) (хуж.40) мавзеи Кўкча даҳасига мансуб бўлган. Ҳозир Қорақамиш массиви номи билан аталади. Эскиқўва (хуж.43) маҳалласи ҳозирги Калинин майдони территориясида жойлашган.

<sup>38</sup> Ўз ФАШИ, қўлёзма № 6361, хужжат I.

<sup>39</sup> Маллицкий Н.Г. Ташкентские махалля и мауза, 1915.

Октябрь бсзори территориясига яқин. Кепаксый мавзеи (хуж. 45) Кўкча даҳасига мансуб бўлиб, Назарбек тураржой массиви яқинида бўлган. Бешёғоч маҳалласи (хуж.53) Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат боғи яқинида жойлашган эди. Ҳозир унинг бир қисми бузилиб, Халқлар дўстлиги хиёбониغا қўшилиб кетган. Хўжақўча маҳалласи (хуж.54) Пушкин номи маданият ва истироҳат паркига Лабзак кўчасидан кираверишдаги дарвозаси олдидан бошланиб, Фрунзе номи 14-мактабгача давом этган. Қўштут маҳалласи (хуж.54) ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, Сағбон кўчасидан Ҳазрати имомга (Ҳасан -имом) чиқадиган кўчанинг бошланишида. Сқтепа Чигатойи (хуж.55) ҳозир ҳам мавжуд мавзе. Чигатой қабристонини ёнидан ўтиб, Тошкент минерал сувлари санаториясига бориш йўли устида жойлашган. Тўқлижаллоб (хуж.53) Сағбон кўчасида, Л.Б.Шастри номидаги 24-мактабга етмасдан кўчанинг чап томонида жойлашган озиқ-овқат магазини ёнидаги кўча ўрнида бўлган. Дегрез маҳалласи (хуж.102) ҳозирда бузилиб кетган; маҳалла ўрнида замонавий Марказ-17 тураржой массиви барпо этилмоқда. Тоштепа мавзеи (хуж.103) Нўғойқўрган деб ҳам аталган, Бешёғоч даҳасига мансуб бўлган. Унинг ўрнида Чилонзордаги 12 ва 19 кварталлар барпо этилган. Қорақамиш Сағбони мавзеи (хуж. III) ҳозирги Қорақамиш тураржой массиви территориясига яқин жойда бўлган. Кўкча маҳалласи (хуж.112) ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, Тошкент шаҳарининг ғарбида жойлашган обод маҳаллалардан биридир. Бу ерда 10 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Теватортар мавзеи (хуж.113) Кўкча даҳасига қарашли мавзе бўлиб, ҳозирги Октябрь массивининг жануби-ғарб қисмига жойлашган. Жарариқ мавзеи (хуж.121) Кўкча даҳасига оид мавзе бўлиб, ҳозир Марказ-27 территориясида, Шомаҳмудов ва Оксой кўчаларига туташган ерда жойлашган. Нодиржонқулоғи (хуж.123, 308) мавзеи Кўкча даҳасига қарашли мавзе; ҳозирда бу ерда "Октябрь" тураржой массиви қад кўтарган. Қилбелбоғ маҳалласи (хуж.124) Кўкча даҳасига қарашли бўлган. Сағбон кўчасидаги 24-мактабдан Қўштут маҳалласи томонга борганда Қўмлоққа чиқадиган кўча территориясида бўлган. Хиёбон маҳалласи (хуж.126) ҳозирда мавжуд маҳалла бўлиб, Тўқлижал-



лоб маҳалласи билан қўшни. Пичоқчилик маҳалласи (ҳуж.140) Октябрь колхоз бозори территориясидаги Каллахона маҳалласига қўшни маҳалла. Собир Раҳимов районидаги 4-поликлиникага яқин ерда жойлашган. Чимбой мавзеи (ҳуж.141) Кўкча даҳасига қаршли мавзе. Ҳозирги Студентлар шаҳарчаси территориясида жойлашган. Яккаайрағоч мавзеи (ҳуж.142) Кўкча даҳасига қаршли бўлиб, ҳозир "Октябрь" тураржой массиви территориясига жойлашган. Подахона маҳалласи (ҳуж.147) Кўкча даҳасига мансуб бўлиб, I-шаҳар касалхонасига етмасдан ўнг томонда, ҳозирги Марказ-26 территориясида бўлган. Торкўча Кўкча маҳалласи (ҳуж.148) Кўкча мавзеига қаршли маҳалла; Ярарикқа яқин. Марказ-27 атрсида жойлашган бўлиб, 35-поликлиника территориясида. Қумлоқ маҳалласи (ҳуж.149) - ҳозирги Ҳазрати имом масжидига Қорасарой кўчаси орқали боришда Кайковус ариғи кесишган жойда жойлашган. Ҳўжалар маҳалласи (ҳуж.149) - Қумлоқ маҳалласига туташ ва унга тобе маҳалла бўлган. Сақичмон маҳалласи (ҳуж.155) Сағбон кўчасида, Собир Раҳимов районидаги 4-поликлиникадан ўтганда чап тарафда, ҳозирги Пахта кўчасига туташган. Ҳалимқўт маҳалласи (ҳуж.189) - Қўштут маҳалласидан Ҳазрати имомга чиқаверишда жойлашган, Қилбелбоқ билан ёндош. Янги шаҳар Кўкча (ҳуж.212) мавзеи. Кўкча даҳасига оид мавзе; ўрнида "Болалар ревмотологик санатория"си жойлашган. Закоғхона мавзеи (ҳуж.219) Себзор даҳасига тегишли мавзе бўлиб, Янгиариқ мавзеидан бир оз гарбда жойлашган (ҳуж.235). Обиназир маҳалласи (ҳуж.235) Кўкча даҳасининг Ярарик мавзеига туташган жой. Ҳозир Марказ-26, 27 территорияларида. Хонақоғ (Хонақоғ гузар) (ҳуж.240) маҳалласи ҳозирги Марказ-26 территориясида бўлган. Хонақоғ масжиди номи билан ҳам машҳур. Каллахона маҳалласи (ҳуж.246) ўша даврда жуда обод, аҳоли зич жойлашган маҳалла бўлган, ҳозирги Октябрь колхоз бозори территорияси, Ҳазрати Ҳофиз Кўҳакий (Куйки) (ҳуж.260) маҳалласи "Коммуна" маҳалласи номи билан аталиб, Форобий кўчасида жойлашган. Аллонота мавзеи (ҳуж.272) ҳозирги Студентлар шаҳарчасидан тахминан бир км. шарқда жойлашган мавзе. Форобий кўчасидан борганда III-мактаб яқинида Аллонота масжиди ҳам бўлган. Чақар маҳалласи (ҳуж.

287) эски Бешёғоч кўчасидаги ҳозирги Халқлар дўстлиги проспекти территориясида жойлашган. Чуқур қишлоқ (хуж.294) I-шаҳар касалхонаси территориясида бўлган. Ҳозир бу ерда Марказ-26 турар-жой массиви қад кўтарган. Кесаққўрғон маҳалласи (хуж.334) Форсбий кўчаси бошланишида ҳозирги Пахта кўчасидан кейинги кўча территориясида жойлашган. Безакқўруш растаси (хуж.354) Чорсу бозорида жойлашган раста бўлиб, унда турли хил безак асбоблари сотилган. Оқтепа Кўкча мавзеи (хуж.357) ҳозирги "Октябрь" массиви территориясида жойлашган. Олачаққўруш растасида (хуж.472) асосан олача ва бошқа матолар билан савдо қилинган<sup>40</sup>. Мисгарлик маҳалласи (хуж.426) ҳозирги "Октябрь" колхоз бозори территориясида 8-дорихонанинг ёнида жойлашган. Орқақўча маҳалласида (хуж.6) Марказ-13 тураржой массиви қад кўтарган. Тахтақўприк мавзеи (хуж.115) Кўкча даҳасига қарашли мавзе бўлиб, эски Қурбақаобод ва Шофайзикулоқ мавзеларига яқин жойлашган. Ҳозир Уйгур кўчаси территориясида. Сархумдон маҳалласи (хуж.133) ҳозирги Марказ-26 территориясида жойлашган. Айрилиш маҳалласи (хуж.198) ҳозирги Марказ-26 территориясидаги маҳалла бўлиб, қадимдан обод ва аҳоли зич жойлашган (хуж.220). Қашқар маҳалласи Ўрда анҳори атрофидан бошланган катта маҳаллалардан бўлиб, ҳозирги Марказ-14 территориясида бўлган. Қорасув мавзеи (хуж.266) - Кўкча даҳасига оид бўлган мавзе, Оқтепа мавзесидан бир оз жанубда жойлашган. Ишқобод маҳалласи (хуж.295) Қаллахона маҳалласига туташган. 8-дорихона орқасида бўлган. Учтепа мавзеи (хуж.322) Кўкча даҳасига қарашли мавзе бўлиб, Теватортар ва Ҳўйбор ариғи оралиғида жойлашган. Золяриқ мавзеи (хуж.326) Кўкча даҳасининг жануби-ғарбида жойлашган мавзе. Кенгсой Ҳўйбор ариғи (хуж.293) Кўкча даҳасидаги Учтепа мавзесидан бир оз шарқда жойлашган Ҳўйбор ариғи территориясида бўлган. Ҳозирги "Октябрь" тураржой массиви территорияси. Кафшқўрушлар растаси Чорсу бозоридаги оёқ кийимлар сотишга ихтисослашган раста. Чувалачи маҳалласи (хуж.447) Чигитбоши маҳалласидан Кумлоққа чиқа беришда жойлашган. Собир

<sup>40</sup> Озодаев Ф. Тошкент тарихидан очерклар. Тошкент, 1960, 181-195-бетлар.

Раҳимов райони территориясида Чувалачи бекати ҳозир ҳам мавжуд.

Қорасарсй<sup>41</sup> маҳалласи ҳозирги Собир Раҳимов кўчасидаги Фрунзе номли I4-мактаб рўнарасидаги кўчадан кириб, то Собир Раҳимов район ижроия комитетигача бўлган масофада жойлашган. Тешиққспқоқ - Софийский проспектидан кираверилда, ҳозирги Мевазор массивида жойлашган. Тешиққопқоқ қабристонга ҳам шу ерда. Парчабоф (ҳуж. I4) Ҳамза кўчасида Ҳазрати имом масжидига етмасдан Тилла шайх масжидига ёндош маҳалла. Кадиобод (ҳуж. 27) Қорасарсй кўчасидан кираверилда Қумлоққача бўлган кўча. Қадимда I-2-3 Кадиобод маҳаллалари мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда Крупская исми билан аталувчи маҳалла. Куҳакота (ҳуж. 22) - халқ тилида Кохота Тарновбоши ва Тахтапул маҳаллаларига туташган маҳалла. Кохота мазори номи билан ҳам машҳур. Тахтапул (ҳуж. 53) Собир Раҳимов номли кинотеатр жойлашган территория. Охунгузар (ҳуж. 92) Собир Раҳимов кўчасида бўлган. I-2-3 Охунгузар маҳаллалари мавжуд. Фрунзе номли I4-мактабга яқин. Кўқори ва Қўйи Охунгузар маҳалласи исми билан машҳур. Чигитбоши (ҳуж. I6) Кадиобод маҳалласидан Чувалачи маҳалласига чиқаверилда жойлашган. Стчопар мавзеи (ҳуж. 85) Ёнусобод массиви территориясида, Алвастикўприкдан ўтилгач, ўнг тарафда, темир йўл линияси бўйлаб, ошқозон-ичак касалликлари санаториясига кетаверил йўлида. Оқтепа (ҳуж. I24) Ёнусобод массиви территориясида, халқ йўлга чиқаверилда, ҳозирги бензоколонка территориясида бўлган. Алвастикўприк Ёнусобод массивида, I7-шаҳар касалхонасига етмасдан, бензоколонка яқинидаги кўприк. Ҳозирги телевизион минора қурилаётган ерда. Дабзак маҳалласи Марказ-I3 ва Марказ-I5 территориясида бўлган. Пуштиҳаммом (ҳуж. 83) маҳалласи Калинин майдонига туташган, 8-туғруқхонанинг орасида жойлашган маҳалла. Себзор маҳалласи (ҳуж. 89) ҳозирги Себзор тураржой массивидаги машҳур маҳалла. Дархон ариқ (ҳуж. 94) ҳозирги Ассакинский ва Дархон ариғи бекатлари атрсида жойлашган обод

<sup>41</sup> Ўзбекистон Марказий Давлат архиви, фонд 365, оп. I. дело 2.

мавзе бўлган.

Тошкентнинг маҳалла ва мавзеларининг ўтмишдаги ва ҳозирги географик ўрнини қисқиб баён қилишимиз кундан-кунга гўзаллашиб бораётган оша шаҳримиз тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Муборак Абдушевна Онусходжеева,  
Улмасун Халимовна Мирисмеилова

Документи по истории Ташкента  
На узбекском языке

Узбекистон ССР ФА илий-оммабон адабиётлар таҳрир  
хайъати томонидан нашрга тасдиқланган

Муҳаррир А.Комиллова  
ИБ № 3022

Боснига руҳсат этилди. 16.ХП.1983. Р - 18800.  
формати 60x90 I/16. Куп нусхада босиш аппаратлари қозоғи. Ҳарти  
босме л. I,25. Ҳисоб-нашриёт л. 0,9. Тиражи 500. Заказ 526.  
Баҳоси 05 т.

УзССР "фен" нашриёти, 700047, Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.

УзССР "фен" нашриётининг босмаҳонаси, Тошкент, М.Горький про-  
спекти, 79.

Баҳоси 5 т.